

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БАХРАМОВ ОЙБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СТРУКТУРАСИ ВА ХОССАЛАРИ
ТАДҚИҚОТИНИНГ НУР-ОПТИКАВИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Бахрамов Ойбек Бахтиярович

Қурилиш материаллари структураси ва хоссалари тадқиқотининг нур-
оптикавий методологияси 3

Бахрамов Ойбек Бахтиярович

Светооптическая методология исследования структуры и свойств
строительных материалов 21

Bakhramov Oybek Bakhtiyarovich

Light-optical methodology of research of structure and parameters of
buildings materials 39

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ-АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ-АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БАХРАМОВ ОЙБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СТРУКТУРАСИ ВА ХОССАЛАРИ
ТАДҚИҚОТИНИНГ НУР-ОПТИКАВИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Техника фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Т.132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент-архитектура қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Самигов Нигматджан Абдурахимович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ходжаев Саидаглам Аглоевич**
техника фанлари доктори, профессор
Тулаганов Абдукабул Абдунабиевич
техника фанлари доктори, профессор
Талипов Нигматулла Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент-архитектура қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» декабрь соат_____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(998 71) 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил « _____ » декабр куни тарқатилди.
(2017 йил « _____ » декабр _____ рақамли реестр баённомаси.)

Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Р. Низамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

С.А. Ходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳоннинг ривожланган давлатлари қурилиш амалиётида фан ва техниканинг янги, охириги босқичидаги технология ва услубларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан, жумладан қурилиш соҳасида янги турдаги экологик материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллаш, янги қурилиш материаллари ва уларнинг диагностикасини такомиллаштириш ва бу орқали бино ва иншоотларнинг физикавий ҳолатини ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Бу борада, дунёнинг ривожланган мамлакатларида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, бино ва иншоотларни қуриш, уларнинг мустаҳкамлик ва барқарорлигини таъминлаш, бинолар ҳолати диагностикаси, санацияси ва мониторинги учун конструктив ечимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қурилиш материалларининг янги хоссаларини такомиллаштириш, уларнинг вақт бўйича бардошлилиги, ҳар хил иқлим шароитига таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда диагностик натижалар асосида янги турдаги экологик материалларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Бу йўналишда, қурилиш материаллари ҳамда бино ва иншоотларнинг, жумладан архитектура ёдгорликлари деворлари ва пойдеворларининг физик-кимёвий хоссаларини катта аниқликда тадқиқот ўтказиш учун янги диагностик усулларни ишлаб чиқиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришгач янги қурилиш материалларини яратиш ва уларнинг хоссаларини диагностикаси соҳасида кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилди. Бу борада композицион қурилиш материалларини оптимал таркиблар билан яратишда, уларнинг амалиётда қўлланилишида, жумладан архитектура ёдгорликларининг диагностикаси ва санациясида катта натижаларга эришилди. Шу билан бир қаторда янги қурилиш материалларини яратиш ва уларнинг физик-кимёвий диагностика услубларини янада такомиллаштириш зарурий омиллардан биридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш,...Ўзбекистонга янги технологияларни олиб кириш... янги технологияларни яратиш...»¹ юзасидан вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан қурилишда янги нур-оптикавий диагностик усулларни ишлаб чиқиш ва улар ёрдамида бино ва иншоотлар, архитектура ёдгорликларининг физик-кимёвий ҳолатини аниқлаш, уларнинг диагностика мониторингини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги 251-сон «2016-2017 йилларда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини тўла инвентаризациядан ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг П.2.4. «Қурилиш, архитектура, сейсмик барқарорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Янги қурилиш материалларини яратиш, қурилиш материалларининг диагностикасида намлик ва тузларни тадқиқот этиш бўйича турли усулларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Stanford University (АҚШ), Lehmzentrum, Dachverband Lehm (Германия), Universitaet Bauhaus Weimar (Германия), Technische Universitaet Wien (Австрия), University Nagoya (Япония), National technologies institut of Kumoh (Жанубий Корея), Москва давлат қурилиш университети, Новосибирск давлат архитектура-қурилиш университети (Россия), Тошкент архитектура-қурилиш институтида (ТАҚИ, Ўзбекистон) ушбу йўналишда кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Янги қурилиш материалларини яратишда ва такомиллаштиришда уларнинг янги хоссаларини ўрганиш жаҳон илмий марказларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: мустаҳкам, вақт бўйича барқарор қурилиш материаллари, уларнинг физикавий хоссаларини аниқ ўлчайдиган диагностик усуллари (Universitaet Bauhaus Weimar, Германия), бино ва иншоотларнинг санация усуллари ишлаб чиқилган (Hochschule Wismar, Германия), сенсорлар ёрдамида биноларни намланиши диагностикаси усули яратилган (Stutgarter Universitaet, Германия), юқори ҳароратда ишлайдиган керамик-катализаторлар ишлаб чиқилган (Fraunhofer Institut fuer Physik, Германия), тузли сувларга бардошли мустаҳкам полимер бетон ишлаб чиқилган (Heidelberger Zement, Германия), қурилиш материалларининг структураси ва хоссалари тадқиқотининг нур-оптикавий методологияси яратилган (Тошкент архитектура-қурилиш институти, Ўзбекистон).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи Kupfer, K.: Moderne Meßverfahren und Geräte zur Materialfeuchtemessung. 10. Aquametrie 2010, September 2010, BAM, Berlin; Venzmer, H.: Praxishandbuch Mauerwerksanierung von A bis Z, 2010, Verlag Bauwesen Berlin; Stark, J., Wicht, B.: Zement und Kalk: Der Baustoff als Werkstoff, Hrsg. F.A.Finger-Institut für Baustoffkunde, Bauhaus-Universität Weimar, Basel, Berlin: 2009 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда қурилиш материаллари диагностикаси ва фундаментал илмий-изланишлар соҳасида материалларни тадқиқот қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: бино ва иншоотларнинг физик-кимёвий ҳолатини, жумладан юқори тебранишли резонанс сенсорлари, дистанцион керамик сиғимли намлик сенсорлари ёрдамида тадқиқот қилиш; тузлар таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда намликни ўлчайдиган янги турдаги намлик сенсорларни ишлаб чиқиш; қурилиш материаллари ғовақларининг электрон микроскопик диагностикасини такомиллаштириш; қурилиш материаллари ғовақларида капиллярлар радиусининг спектрини аниқлашда юқори босимда ишловчи газ порозиметр усулларини ишлаб чиқиш; қурилиш материалларида кимёвий жараёнларни импеданс спектрометр таҳлил усулини такомиллаштириш; ЭҲМ ёрдамида қурилиш материалларининг физикавий хоссаларини ўзгаришининг мониторинг усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қурилиш материалларининг физикавий ва кимёвий хоссалари диагностикаси, янги композицион қурилиш материалларини яратиш, экологик қурилиш материаллари билан бино ва иншоотлар санацияси каби йўналишда илмий тадқиқотлар масалалари ва муаммолари бир қатор хориж ва республикамиз олимлари: К.Капс, Й.Штарк, Х.Фишер, Л.Людвиг, Х.Шрёдер (Германия), С.Колачек, Ф.Кобосил (Чехия), В.И.Соломатов, В.М.Хрулев, А.Ф.Бурянов, Ю.М.Баженов (Россия), Э.У.Касимов, М.К. Тахиров, Н.А.Самигов, М.М.Мирахмедов, А.И.Одилходжаев, Б.Б.Хасанов, Р.Д.Тешабаев, У.Р.Жаббаров, Н.Х.Талипов, А.А.Ашрабов, Б.А.Асқаров, С.А.Ходжаев, Х.А.Ақромов, Ш.Р.Низамов, А.А.Султонов, С.С.Нигматов, М.И.Искандарова (Ўзбекистон), И.Б. Байболов, К.К.Қуатбаев, А.А.Қулебаев (Қозоғистон) ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Дастлабки, қурилиш материаллари хоссалари диагностикасининг янги йўналиши бўйича Веймардаги Баухаус Университетида тадқиқотлар олиб борилган. Булар турли қурилиш материалларида ёруғлик абсорбциясини ўлчаш ва ёруғлик ўтказиш принципи асосида қурилган, намликни аниқловчи бир сегментли (бир камерали) нур-оптикавий намлик сенсори прототипи ўлчовлари бўйича фундаментал тадқиқотлардир. Бу янги усул О. Бахрамов, Н. Самигов, К.Капс томонидан яратилган ва ҳозирда ҳам улар қурилиш материаллари диагностикасида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Дунёда оптик усуллардан фойдаланиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда. Булар: қурилиш материали юзасининг оптик диагностикаси, оптик термография, оптик икки ўлчамли порозиметрия, газ порозиметрияси, гамма нурлар билан қурилиш материалларини диагностика усули, экспериментал тадқиқотлар асосида ёруғлик манбаи ёрдамида ТАҚИда ишлаб чиқилган нур-оптик усул янги йўналиш бўлиб, 10 йилдан бери такомиллаштирилиб келинди. Қурилиш материаллари ғовақларининг ёруғлик ўтказувчанлиги турли қурилиш материалларининг ғовақлари тадқиқоти вақтида аниқланган. Қурилиш материалларининг янги физик ёруғлик параметрлари: турли намликдаги ғовақлар ёруғлик ўтказувчанлиги, ғовақларнинг нур-оптик

узунлиги, ғовакларнинг нур-оптик ҳажми кабилар аниқланди. Қурилиш материаллари характеристикаларини нур-оптикавий усулда тадқиқ этиш дунё амалиётида кам учрайди. Бу янги усулни ва бу усул асосида ишлаб чиқилган кўп сегментли нур-оптик сенсорни ТАҚИ ходимлари ривожлантирдилар. Кўп сегментли нур-оптик сенсор, бир сегментли сенсорга нисбатан, ёруғлик сигналини юқори аниқликда ўлчаш ва натижада материаллардаги намлик таркибини сифатли диагноз қилиш имконини беради. Кўп сегментли сенсор турли ғовакли материаллар сегментларига эга бўлиб, бу турли қурилиш объектларининг характеристикаларига қарамасдан, аниқ натижалар олиниши учун имкон яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг, ИОТ-2014-8-2 «Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари деворларида намлик ва тузлар таркиби диагностикаси ва характеристикаси, ҳамда санацион режани ишлаб чиқиш» (2014-2015), Ф-4-50 «Композицион қурилиш материалларини яратилишининг полиструктура асосларини ривожлантириш» бўйича (2012-2016) ва ОТ-Ф4-73 «Мажмуавий кимёвий кўшимчалар билан янги авлод энергия тежовчи бетонлар яратишнинг назарий асослари» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қурилиш материалларининг физикавий хоссаларини тадқиқ этишда нур-оптикавий методологиясининг яратилиши ва янги кўп сегментли нур-оптик сенсорларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нур-оптикавий усулларни таҳлил қилиб, янги нур оптикавий методологиясини яратиш;

қурилиш материаллари структураси ва хоссаларини ўрганишда янги кўп сегментли нур-оптик сенсорлар ишлаб чиқиш;

нур-оптикавий намликни ўлчаш усулини турли қурилиш материалларини тадқиқ қилиб такомиллаштириш;

турли қурилиш материалларида нур-оптик сенсорлар ёрдамида намлик тадқиқотини ўтказиш;

нур оптикавий намлик sensori ёрдамида Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари биноларининг девори ва фундаментида намлик мониторингини ўтказиш;

нур-оптикавий усул ёрдамида сув боғлиқлиги селекциясини тадқиқот этиш (эркин сув, капилляр сув, кимёвий боғланган сув).

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари девор ва пойдеворлари ва қурилиш материаллари: ғишт, қумтош, гипс эстрих, цемент қоришма олинган.

Тадқиқотнинг предмети намликни ўлчовчи кўп сегментли ёруғлик-оптик сенсорлар, қурилиш материали песчанник, мультиметр, ўзгарувчан ва ўзгармас ток манбалари ва бошқа асбоблар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қурилиш материалларида намликни ўлчашнинг гравиметрик, нур-оптикавий ва электр усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилиш материаллари ғовакларининг структураси ва капиллярлар радиусининг спектрини шу ғоваклардан ўтувчи нур трансмиссияси асосида тадқиқ этувчи қурилиш материаллари структурасининг янги диагностика усули ишлаб чиқилган;

қурилиш материалларининг янги нур-оптик характеристикаларини олиш учун нур-оптикавий усул ишлаб чиқилган ва бу усулда қурилиш материалларининг янги физикавий параметрлари - ёруғлик абсорбцияси коэффициенти, махсус нур-оптикавий ғовак ҳажми, қурилиш материаллари сиртидаги махсус нур-оптикавий ғовак узунлиги, капиллярлардаги сув ҳаракатининг фронтал ва тўйиниш тезликлари аниқланган;

гипс-эстрих ва цемент қоришмаси каби қурилиш материалларидаги сувнинг боғлиқлик турларини нур абсорбциясини қайд қилиш асосида аниқлаш усули яратилган;

қурилиш материалларидаги эркин сувларнинг кимёвий боғланган сувга ўзгариши вақтини нур-оптикавий намлик сенсори ёрдамида катта аниқликда қайд қилиш усули ишлаб чиқилган;

илк бор қурилиш материалларини намлигини нур трансмиссияси асосида ўлчовчи кўп сегментли нур-оптик намлик сенсори ихтиро этилган ва бу асосда қурилиш материаллар намлигини туз ва ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда гравиметрик сув миқдорида олинган корреляция боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

архитектура ёдгорликлари биноларининг девор ва пойдеворида нам ва туз диагностика мониторинги ўтказилиб, ёдгорликлар деворларининг намлик ва тузлар миқдори катта аниқликда ўлчанди;

архитектура ёдгорликлари биноларининг девор ва пойдеворида нам ва туз диагностика мониторинги ўтказилиб, архитектура ёдгорликлари биноларининг санация усули ишлаб чиқилди;

гипс-эстрих ва цементли қоришманинг қотғунича ва қотганидан сўнг, улардаги намлик миқдорини нур-оптик сенсорлари ёрдамида ўлчаб, қотиш жараёнида химиявий боғлиқ сувларнинг пайдо бўлиш вақтини аниқлаш усули яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги, назарий ва экспериментал олинган муҳим натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти қурилиш материалларининг нур-оптик характеристикалари тадқиқоти бўйича янги нур-оптикавий услубият ишлаб чиқилди ва бу услубият усуллари билан янги қурилиш параметрлари топилди,

жумладан қурилиш материаллари нур абсорбцияси коэффициентлари, махсус нур-оптикавий ҳажм, қурилиш материаллари сиртидаги махсус нур-оптикавий узунлик, ғовакларда фронтал ва тўйдирилган сув ҳаракати тезликлари.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти, булар намликни ўлчовчи янги кўп сегментли нур-оптик сенсорлар ёрдамида турли қурилиш материалларида тадқиқот ўтказилди, бу сенсорлар ёрдамида архитектура ёдгорликлари биноларида намлик мониторинги ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилиш материалларини янги нур-оптикавий диагностика усули бўйича олинган натижалар асосида:

11 та Ўзбекистон архитектура ёдгорлик биноларининг (Самарқандда 3 та, Хивада 3 та, Бухорода 3 та ва Шаҳрисабзда 2 та) физик-кимёвий ҳолатини аниқлашда туз ва намлик диагностик тадқиқоти, жумладан рентген дифрактометр, ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда янги нур-оптик намлик сенсорли диагностика усуллари Маданият вазирлигининг Архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тасарруфидаги архитектура ёдгорликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 12 декабрдаги 01-11-04-6346-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг 2015 йил 24 июлдаги далолатномаси). Натижада архитектура биноларининг физик-кимёвий ҳолати тадқиқотлари асосида катта аниқликда девор ва пойдеворлардаги туз ва намлик миқдорини аниқлаш имконини берган;

6 та Ўзбекистон архитектура ёдгорлик биноларининг (Кўқонда 2 та, Тошкентда 3 та ва Зангиотада 1 та) физик-кимёвий ҳолатини аниқлашда туз ва намлик диагностик тадқиқоти, жумладан рентген дифрактометр, инфрақизил спектрометрли диагностика усуллари Маданият вазирлигининг Архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тасарруфидаги архитектура ёдгорликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 12 декабрдаги 01-11-04-6347-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг 2014 йил 6 ноябрдаги далолатномаси). Натижада биноларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кўрилаган чора-тадбирлар асосида социал самара-архитектура ёдгорликларининг умрбоқийлигини ошириш имконияти яратилган;

қурилиш материалларининг янги физикавий параметрлари—ёруғлик абсорбцияси коэффициентлари, махсус нур-оптикавий ғовак ҳажми, қурилиш материаллари сиртидаги махсус нур-оптикавий ғовак узунлиги, капиллярлардаги сув ҳаракатининг фронтал ва тўйиниш тезликлари аниқлаш усули Маданият вазирлигининг Архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тасарруфидаги архитектура ёдгорликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2017 йил 12 декабрдаги 01-11-04-6347-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг 2014 йил 6 ноябрдаги далолатномаси). Натижада шу асосда қурилиш материаллари маълумотномасида янги нур-оптикавий параметрлар бўлимини киритиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 4 та монография, Олмонияда нашр қилинган 1 та «А дан Я гача деворлар санацияси» энциклопедияси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 48 та мақола, жумладан, 16 таси хорижий ва республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқотларнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларнинг тараққиётини устувор йўналишларга мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, уларни қурилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг нашри ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғовакли қурилиш материаллари характеристикаси**» деб номланган биринчи бобида қурилиш материалларининг ғоваклар, капиллярлар катталиги ва уларнинг турлари каби параметрлари характеристикалари келтирилган. Шунингдек, ғовакларда юзага келувчи жараёнлар, жумладан капиллярларда намлик ҳаракати, электроосмос жараёнлари ифодаланган. Қурилиш материаллари ғовакларида фундаментал нур-оптик тадқиқотида қўлланилган қурилиш материалларининг синов намуналари характеристикаси ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқотларнинг нур-оптикавий методологияси**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган янги нур-оптикавий услубият ифодаланган. Қурилиш материалларининг нур-оптик хоссаларини ўлчаш дастлаб қурилиш материалларининг нур-оптикавий ёруғлик абсорбциясини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Намликни аниқлайдиган нур-оптикавий усул билан электр усули ўртасида таққослаш таҳлили келтирилган. Кейинчалик ҳар хил услубий ёндашиш асосида топилган бошқа нур-оптикавий усуллар, жумладан қурилиш материаллари намлигини ўлчаш бўйича, ғовакларлардаги намлик транспортировкаси тезлигини ўлчаш бўйича, қурилиш материалларида очиқ ғовакларнинг махсус нур-оптик ҳажми ва махсус нур-оптик узунлигини аниқлаш бўйича ва қурилиш материалларида сув боғлиқлигининг селекциясини аниқлаш бўйича усул ишлаб чиқилгандан сўнг, нур-оптикавий услубият ишлаб чиқилган (1-расм).



1-Расм. Нур-оптикавий методология классификацияси


Бириинчи изланишларда ёруғлик кучининг, E , қурилиш материалда нур ютилувчанлигини (1) билан ифодаланган эди. Бу ерда α нур ютилиш

коэффициенти. Нур-оптикавий тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, формуладаги d материал қалинлигини ҳар хил қалинликлар, эффектив- d_0 ва материал юзасидаги ғадирлик қалинлиги- d_g , мажмуаси сифатида кўриш керак (2) (2-расм).


Қурилиш материалларида нурларнинг ғоваклардаги капилляр тешикларидан ўтиши, бу материалларда нур-оптикавий порозиметрия усулини яратилишига имкон беради. 3-расмда ғиштнинг нур-оптикавий порозиметрия натижаси берилган.

$$E = E_0 \cdot e^{-\alpha \cdot d} \quad (1)$$

$$d = d_0 + d_g \quad (2)$$




2-расм. Нур-оптикавий материал қалинлиги




3-расм. Ғиштнинг нур-оптикавий порозиметрия натижаси

Диссертациянинг «Кўп сегментли нур-оптик намликни ўлчовчи сенсор» деб номланган учинчи боби бино деворларида ва қурилиш материалларида

намликни ўлчаш учун намликни ўлчовчи янги нур-оптик сенсорини яратиш ва такомиллаштириш ишларига бағишланган (4-расм). Германияда патентланган нур-оптик сенсор ТАҚИда мажмуавий кўп сегментли намликни ўлчовчи сенсор сифатида мукамаллаштирилган бўлиб, унинг мажмуавийлиги намликни бир неча усул билан ўлчашидадир. Бошқа сенсорлар билан таққослаганда, унинг асосий афзалликлари – бу туз таркибига ва ғоваклардаги ҳароратга боғлиқ эмаслиги, сенсорларнинг кимёвий нейтрал хусусияти ва узоқ муддатли мониторингга мўлжалланганлиги, ихчам ва барқарорлигидадир. 5-расмда сувнинг электр қаршилиги билан унинг нур-трансмиссиясининг ҳароратга нисбатан олинган натижалари келтирилган. Бу диаграммада нур-оптик усулда олинган натижаларнинг, яъни нур трансмиссиясининг ҳароратга боғлиқ эмаслиги яққол кўриниб турибди.



4-расм. Нур-оптикавий намликни ўлчовчи сенсор (ННВ) ва мультиметр (а), кўп сегментли намлик ННВ сенсорининг бош қисми



5-расм. Сувнинг электр қаршилиги билан унинг нур-трансмиссиясини солиштириш

Диссертациянинг «Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари тадқиқоти» деб номланган тўртинчи бобда физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган


ҳолда Ўзбекистон архитектура ёдгорликлар деворларидаги намликни ва туз диагностикаси тадқиқоти натижалари келтирилган. Ушбу диссертацияда физикавий (ультратовуш, нур-оптикавий, адгезиметрик) ва физик-кимёвий (дифференциал термоанализ, рентгенфазавий анализ, электрон микроскопия) изланиш усуллари қўллаб, девор ва пойдеворлар қурилиш материаллари, жумладан ғишт, гипс-эстрих ва цементли қоришмалар диагностикаси олиб борилди. 6-расмда «Абулқосим» мадрасасининг деворидан намуна олиниши ва 7-расмда «Абулқосим» мадрасасининг деворлардаги тузлар ва намлик таҳлили келтирилган. 8-расмда объектлардаги нур-оптикавий сенсор сигнали (а) ва намлик М% (б) келтирилган.

17 та Ўзбекистон архитектура ёдгорлик биноларининг (Самарқандда 3 та, Хивада 3 та, Бухорода 3 та, Шаҳрисабзда 2 та, Қўқонда 2 та, Тошкентда 3 та ва Занги-Отада 1та) физик-кимёвий ҳолатини аниқлашда туз ва намлик диагностика тадқиқоти, жумладан рентген дифрактометри, ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда янги нур-оптик намлик sensori ва инфрақизил спектрометри ёрдамида ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2017 йил 12 декабрдаги 01-11-04-6346 ва 01-11-04-6347 сонли маълумотномалари ва Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 06.10.2014 ва 24.07.2015 йиллардаги далолатномалари). Натижада архитектура ёдгорликлари биноларининг физик-кимёвий ҳолати тадқиқотлари асосида катта аниқликда девор ва пойдеворлардаги туз ва намлик миқдори аниқланган. Биноларнинг бу ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кўрилган чора-тадбирлар асосида социал самара - архитектура ёдгорликларининг умрбоқийлиги ошишига имкон беради.




6-расм. «Абулқосим» мадрасасининг деворидан намуна олиниши


Диссертациянинг «**Нур-оптикавий сенсорлари билан лаборатория тадқиқотлари**» деб номланган бешинчи бобида қурилиш материалларида, жумладан «Девор» модели, гипс-эстрих, цемент қоришма устидан нур-оптик тадқиқотлар, Гера шаҳаридаги (Германия) ўқув марказидаги амалиётга яқин шароитда илмий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.



7-расм. Олинган тузлар таҳлили



а)




б)

8-расм. Объектлардаги нур-оптикавий сенсор сигнали (а) ва объектлардаги намлик М% (б)

Гипс-эстрих устидаги тадқиқотларда янги нур-оптик усул ёрдамида, гипс-эстрихдаги сув миқдори ўрганилганлиги баён қилинган. Шунингдек, материал намлиги ва ёруғлик абсорбцияси орасидаги боғлиқлик ҳамда намликни йўқотишнинг вақтга боғлиқлиги тадқиқ қилинган. Бу нур-оптик усул намликни ўлчашнинг бошқа усуллари билан таққослаганда афзалликларга эга. Бу усул

асосида ишлаб чиқилган намликни ўлчовчи нур-оптик сенсор ғоваклардаги туз таркиби ва намлик ҳароратига боғлиқ бўлмаган ҳолда қурилиш материалларидаги намлик мониторингини амалга оширишга имкон беради.


9-расмда гипс-эстрихда нур-оптик сенсорларининг фотодиоди кучланишининг вақтга боғлиқ диаграммаси кўрсатилган. Диаграмма шуни кўрсатадики, нур-оптик сенсорлар сув миқдорининг ҳар хил баландликда ҳар хил ўзгаришини кўрсатди. Юқорида жойлашган сенсор қуйида жойлашган сенсорга нисбатан кўпроқ сув йўқотишини кўрамыз. Қотиш жараёнида содир бўладиган реакция қуйидагича (3).




9-расм. Гипс-эстрихда нур-оптик сенсорларининг фотодиоди кучланишининг вақтга боғлиқ диаграммаси

Нур-оптикавий намлик сенсорлари ёрдамида цемент қоришмасининг гидратацияси ва қотиши вақтидаги материал намлиги ва ёруғлик абсорбцияси орасидаги боғлиқлик, сув боғлиқлик турларининг ўзгариши ва уларнинг селекцияси ўрганилди. Янги усул ёрдамида, шунингдек намликни йўқотишнинг вақтга боғлиқлик тадқиқоти ўтказилди. 10-расмда ҳар хил сув/цемент нисбатли цемент қоришма қотишининг вақт давомида нур-оптик сенсор фотодиодининг нормалаштирилган кучланишининг ўзгариши кўрсатилган.

11-расмда ҳар хил сув/цемент нисбатли цемент қоришмаларининг қайта қотгандан кейин вақт давомида нур-оптик сенсор фотодиодининг нормалаштирилган кучланишининг ўзгариши кўрсатилган. 12-расмда нур-оптик сенсорининг калибровка диаграммаси (сув/цемент = 0,7) кўрсатилган.




10-расм. Ҳар хил сув/цемент нисбатли цемент қоришма қотишининг вақт давомида нур-оптик сенсор фотодиодининг нормалаштирилган кучланишининг ўзгариши



11-расм. Намлик ҳар хил С/Ц турдаги цемент қоришманинг қайта қотгандан кейин вақт давомида нур-оптик сенсор фотодиодининг нормалаштирилган кучланишининг ўзгариши

Шунингдек, цемент қоришмасидаги сув боғлиқлиги турлари (кимёвий, эркин, капилляр) селекцияси тадқиқоти ҳам ўтказилди. Тадқиқотлар илк бор цемент қоришмасининг қотиши ва бу қоришманинг қотгандан сўнг қайта намлантирилиб, намлигини йўқотиш вақтида олинган натижалар сувнинг боғлиқлигини селекциялаш имконини кўрсатди (12-расм).

Гидратация вақтида кимёвий реакциялар турли тезликда ва турли давомийликда содир бўлади. Бундай тадқиқотларда намлик сенсорларидан фойдаланиш кимёвий реакцияларнинг ўтиш жараёналарига янги интерпретациясини яратилишига асос бўлиб қолади. 12-расмда цемент қоришмасининг гидратация ва қотиш жараёнида қоришмадаги умумий сув миқдори (УС) билан эркин, капилляр сув миқдори (КС) таққосланиши кўрсатилган.



12-расм. Цемент қоришмасининг қотиш жараёнида намунадаги умумий сув миқдори (УС) билан эркин, капилляр сув миқдори (КС)

ХУЛОСА

«Қурилиш материаллари структураси ва хоссалари тадқиқотининг нур-оптикавий методологияси» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Қурилиш материалларининг физикавий хоссаларини тадқиқоти учун нур-оптикавий методология ишлаб чиқилди. Бу методология ёруғлик абсорбциясини аниқлаш бўйича тадқиқотларнинг нур-оптикавий усулни, қурилиш материаллари намлигини ўлчаш бўйича нур-оптикавий усулни, ғовак капиллярлардаги намлик ҳаракати тезлигини ўлчаш бўйича усулни, қурилиш материалларида очик ғовакларнинг махсус нур-оптик ҳажми ва махсус нур-оптик узунлигини аниқлаш бўйича усулни ва қурилиш материалларида сув боғлиқлиги турларининг селекциясини ўрганиш усули каби усулларни ўз ичига қамрайди.
2. Қурилиш материалларининг янги физикавий хоссалари тадқиқ этилди ва янги параметр сифатида материал маълумотномасига киритилди. Булар қуйидагилар:
 - ёруғлик абсорбцияси коэффиценти;
 - махсус нур-оптик ғовак ҳажми;
 - махсус нур-оптик ғовак узунлиги;
 - капиллярлардаги сув ҳаракатининг фронтал ва тўйиниш тезликлари.
3. Нур-оптикавий порозиметрия яратилди. Ушбу усул билан ғовакларнинг структураси ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ёруғлик қайд этувчи камерада, жумладан сонли фотокамера, сонли видеокамера билан регистратсия қилинган. Натижада катта аниқликда ғовакларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва ғовакнинг радиуси тақсимоти таҳлил усули яратилган.
4. Янги кўп сегментли нур-оптик намликни ўлчовчи сенсорлар ишлаб чиқилди. Бу бир сегментли нур-оптик сенсорининг такомиллаштирилган прототип тури бўлиб, қурилиш материалларидаги намликни янада аниқ

ўлчаши ва бу билан материалларнинг физикавий хоссалари диагностикаси усулида аниқ натижалар олинишига хизмат қилади.

5. 17 та Ўзбекистон архитектура ёдгорлик биноларининг (Самарқандда 3 та, Хивада 3 та, Бухорода 3 та, Шахрисабзда 2 та, Қўқонда 2 та, Тошкентда 3 та ва Занги-Отада 1та) физик-кимёвий ҳолатини аниқлашда туз ва намлик диагностик тадқиқоти, жумладан рентген дифрактометри, ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда янги нур-оптик намлик sensori ва инфрақизил спектрометри ёрдамида ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2017 йил 12 декабрдаги 01-11-04-6346 ва 01-11-04-6347 сон маълумотномалари ва Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг 06.10.2014 ва 24.07.2015 йиллардаги далолатномалари). Натижада архитектура ёдгорликлари биноларининг физик-кимёвий ҳолати тадқиқотлари асосида катта аниқликда девор ва пойдеворлардаги туз ва намлик миқдори аниқланган. Биноларнинг бу ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кўрилаган чора тадбирлар асосида социал самара - архитектура ёдгорликларининг умрбоқийлиги ошиши кузатилади.
6. Гипс-эстрих ва цементли қоришма қурилиш материалларида нур-оптик сенсор ёрдамида намликни ўлчашнинг лаборатория тадқиқотлари ўтказилди. Гипс-эстрих ва цементли қоришма қурилиш материалларининг қотгунича ва қотганидан сўнг, намликни йўқотиши жараёнини аниқланди.
7. Илк бор, қурилиш материаллари ғовақларидаги сувнинг боғлиқлик турлари нур-оптик сенсорлар ёрдамида қайд қилинди. Нур-оптикавий усул билан кимёвий боғланган сувнинг эркин, капилляр боғланган сув селекцияси аниқланди.
8. Қурилиш материалларида намликни ўлчовчи янги нур-оптикавий кўп сегментли нур-оптик намлик сенсорига Германия Федератив Республикаси патент идорасининг ихтирога патенти олинган бўлиб («Lichtoptischer Feuchte-Sensor zur Bestimmung der Mauerwerksfeuchte» № 102007049285, 2017), бу сенсор билан тадқиқотларда қурилиш материалларидаги намликни туз ва ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда гравиметрик корреляция асосида юқори аниқликда олинган.
9. Интеллектуал мулк кўмитасига янги комбинацияли кўпсегментли қурилиш материалларида намликни ўлчайдиган сенсор регистрацияга берилди. № IAP 20150371, 06.10.2015.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.11.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА,
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ И НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

БАХРАМОВ ОЙБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**СВЕТООПТИЧЕСКАЯ МЕТОДОЛОГИЯ ИССЛЕДОВАНИЯ
СТРУКТУРЫ И СВОЙСТВ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

05.09.05 – Строительные материалы и изделия

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc)
ДИССЕРТАЦИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора по техническим наукам (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.DSc/Т.132

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный консультант: **Самигов Нигматджан Абдурахимович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ходжаев Саидаглам Аглоевич**
доктор технических наук, профессор
Тулаганов Абдукабул Абдунабиевич
доктор технических наук, профессор
Талипов Нигматулла Хамидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров
железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «_____» декабря 2017 года в _____⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.т.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта, Самаркандском архитектурно-строительном институте и Наманганском инженерно-строительном институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Навои, дом № 13 Тел.: 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №2). Адрес: 100011, г. Ташкент улица Навои, дом №13. Тел.: (998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан « ____ » декабря 2017 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » декабря 2017 года.)

Акромов Х.А.
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Низамов Ш.Р.
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н., профессор

Ходжаев С.А.
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Развитые страны на сегодняшний день уделяют большое внимание внедрению последних, новых достижений науки и техники, технологий и научных методов, в области строительства. В этом отношении, в частности использование в области строительства новых видов экологических материалов, эффективное использование энергосберегающих технологий, использование новых строительных материалов и усовершенствование их диагностики, и посредством этого физическое состояние зданий и сооружений, а также вопросы обеспечения их безопасности занимают ведущее место. В этой области, в развитых странах мира достигнуты определённые успехи, по выработке конструктивных решений для мониторинга и санации, диагностики состояния зданий, обеспечения их прочности и устойчивости, строительства зданий и сооружений уделяется особое внимание.

В мире одной из важных задач остаются научные исследования, направленные на производство новых видов экологических материалов учитывая усовершенствование новых свойств строительных материалов, их устойчивость во времени, влияние на них разных климатических условий на основе диагностических результатов. В этом направлении, важное значение имеет разработка новых методов диагностики для проведения с большой точностью физических и химических диагностических исследований физических свойств строительных материалов, а также зданий и сооружений, в том числе архитектурных памятников.

После приобретения независимости нашей Республикой в области создания новых строительных материалов и их диагностики осуществлены широкомасштабные мероприятия. В этом отношении, достигнуты большие результаты, в частности, в создании композиционных строительных материалов с оптимальным составом, использовании их на практике, в том числе в диагностике и санации архитектурных памятников. Следует отметить, что одним из необходимых факторов является создание новых строительных материалов и ещё большее усовершенствование научных методов проведения их физико-химической диагностики или разработка её новых методов. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности определены задачи по «... внедрению в производство энергосберегающих технологий,... созданию в Узбекистане современных технологий ...»¹. Осуществление данной задачи, в частности разработка новых свето-оптических диагностических методов в строительстве и с их помощью определение физико-химических состояний зданий и сооружений, проведение их мониторинга считается одной из важнейших задач.

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года №ПФ-4947.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит для осуществления задач, намеченных Указом Президента Республики Узбекистан «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года №ПФ-4947, Постановление Президента РУз «О программе строительства дешёвого жилья по обновлённым типовым проектам в сельской местности на 2017-2021 годы» от 21 октября 2016 года №ПК-2639, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О проведении полной инвентаризации объектов недвижимого имущества, принадлежащих юридическим и физическим лицам в 2016-2017 годах» от 3 августа 2016 года №251, а также во всех нормативно-юридических документах, касающихся этого вида деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан (II.2.4.«Строительство, архитектура, сейсмическая устойчивость»).

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². В создании новых строительных материалов, разработке различных методов, направленных на исследование диагностики солей и влажности строительных материалов, ведутся широкомасштабные научно-исследовательские работы ведущими мировыми научно-исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, в том числе Stanford University (США), Lehmzentrum, Dachverband Lehm (Германия), Universitaet Bauhaus Weimar (Германия), Technische Universitaet Wien (Австрия), University Nagoya (Япония), National technologies institut of Kumoh (Корея), Московский государственный строительный университет (Россия), Новосибирский государственный архитектурно-строительный университет (Россия), Ташкентский архитектурно-строительный институт.

В результате исследований, проведённых в мировых научных центрах по созданию новых строительных материалов и их усовершенствованию, изучению их новых свойств получены ряд научных результатов, в том числе: прочные, устойчивые во времени строительные материалы, диагностические методы измерения физических свойств строительных материалов (Universitaet Bauhaus Weimar, Германия), разработаны санационные методы зданий и сооружений (Hochschule Wismar, Германия), разработан метод влажной диагностики зданий с помощью сенсоров (Stutgarter Universitaet, Германия), разработаны устойчивые керамики для катализаторов (Fraunhofer Institut fuer Physik, Германия), созданы методы свето-оптического исследования структуры и свойств строительных материалов (Ташкентский архитектурно-строительный институт, Узбекистан).

²Kupfer, K.: Moderne Meßverfahren und Geräte zur Materialfeuchtemessung. 10. Aquametrie 2010, September 2010, BAM, Berlin; Venzmer, H.: Praxishandbuch Mauerwerksanierung von A bis Z, 2010, Verlag Bauwesen Berlin, и другие источники.

В мире в сфере диагностики строительных материалов и фундаментальных научных изысканий по усовершенствованию исследований материалов ведутся ряд исследований, в частности, в следующих приоритетных направлениях: исследование физико-химического состояния зданий, сенсоры точно измеряющие новые виды влаги и солей, диагностика пористости строительных материалов, методы порозиметрии, определяющие распределение радиус пор, в том числе: капилляров, развитие методов мониторинга изменения физических свойств строительных материалов с помощью ЭВМ.

Степень изученности проблемы. Научные исследования и проблемы в таких направлениях как диагностика физических и химических свойств строительных материалов, создание новых композиционных строительных материалов, санация зданий и сооружений при помощи экологических строительных материалов рассмотрены в работах зарубежных учёных и в трудах учёных нашей Республики, в частности К.Капс, Й.Штарк, Х.Фишер, Л.Людвиг, Х.Шрёдер (Германия), С.Колачек, Ф.Кобосил (Чехия), В.И.Соломатов, В.М.Хрулев, А.Ф.Бурянов, Ю.М.Баженов (Россия), Э.У.Касимов, М.К. Тахиров, Н.А.Самигов, М.М.Мирахмедов, А.И.Одилходжаев, Б.Б.Хасанов, Р.Д.Тешабаев, У.Р.Жаббаров, Н.Х. Талипов, А.А.Ашрабов, Б.А.Асқаров, С.А.Ходжаев, Х.А.Ақромов, Ш.Р.Низамов, А.А.Султонов, С.С.Нигматов, М.И.Искандарова (Узбекистан), И.Б. Байболов, К.К.Куатбаев, А.А.Кулебаев (Казахстан), достигнуты важные результаты.

Первые работы по новому направлению диагностики строительных материалов были проведены в Баухаус университете в Веймаре. Это были фундаментальные исследования по измерению световой абсорбции в разных строительных материалах с помощью измерения прототипом односегментного (однокамерного) светового сенсора влаги, который был построен на основе принципа светопропускания. Этот новый метод, созданный О.Бахрамовым, Н.Самиговым, К.Капсом и в настоящее время также успешно используется в диагностике строительных материалов.

